Олий Мажлис сессияси олдидан

# СПОРТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ НЕГИЗИ

**Мустақил Ўзбекистон спортчилари халқаро ва минтақавий мусобақаларда тобора ишонч билан дадил майдонга чиқмоқдалар. Жаҳон биринчиликларида, Олимпия мусобақаларида ғолиблик шоҳсупасига кўтарилган чемпионларимизнинг номлари ҳаммага маълум. Шуни айтиш кифояки, Ўзбекистонимизнинг 2300 дан ортиқ вакиллари спорт медаллари ва мукофотларига сазовор бўлишди. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримовнинг кундалик эътибори ва катта ғамхўрлиги туфайли ўзбек кураши қайта тикланди, катта теннис билан шуғулланиш тобора оммавийлик касб этиб бормоқда, спортнинг бошқа турлари кенг миқёсда ривожланмоқда. Тошкент шаҳрида, вилоятларнинг марказларида йирик-йирик замонавий спорт мажмуалари қад кўтарди. Жиҳозланиш даражаси ва мусобақалар ўтказиш учун қулайлиги жиҳатидан улар жаҳон андозалари талабларига тўла жавоб беради.**

Спорт-соғломлаштириш ҳаракати мамлакатимизда оммавий тус олди. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда 15 мингдан ортиқ жисмоний тарбия жамоалари фаолият кўрсатмоқда. Кундалик кенг кўламли спорт-соғломлаштириш ишлари айни ана шу бошланғич ташкилотларда амалга оширияпти. Уларда миллионлаб кексаю ёш ватандошларимиз қатнашмоқдалар.

Мустақил тараққиётимиз ибтидосида — 1992 йил 14 январда Парламент қабул қилган «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонун мана шу серқирра ишларимизнинг қонунчилик асоси бўлиб келмоқда. Мазкур ҳужжат қабул қилинганидан буён ўтган давр мобайнида мамлакатимизнинг жисмоний тарбия ва спорт ҳаётида салмоқли таркибий, миқдорий ва сифат ўзгаришлари юз берди. Ўзбекистон жаҳон, халқаро ва минтақавий спорт мусобақалари ва турнирлари ўтказиладиган жойга айланди. Бозор муносабатларининг спортга таъсири кучаймоқда. Жамоат ташкилотларининг бу борадаги фаолияти самарали тус олаяпти. Жисмоний тарбия ва спорт ташкилотларининг фаолияти тобора тўла мустақиллик касб этаяпти.

Мана шу ўзгаришларнинг ҳаммаси жисмоний тарбия ва спорт тўғрисидаги амалдаги қонунларга бир қатор аниқликлар киритишни тақозо қиларди. Чунончи, мустақил Ўзбекистонимизнинг мазкур соҳадаги ривожига хос бўлган ижтимоий-сиёсий ҳамда ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар амалдаги Қонунда ўз аксини топмаган. Қонунда давлат ва маҳаллий бошқарув идораларининг ваколатлари қатъий чегараланмаган, жисмоний тарбия ва спорт тизимига тўлиқ баҳо берилмаган. Республикада Олимпия ҳаракатини фаоллаштириш, профессионал спортни ривожлантириш ва уни молиялаштириш, спортчиларнинг ижтимоий муҳофазаланиши ва уларнинг халқаро ҳамкорликда фаол иштирокига кўмаклашувчи турли жамоатчилик асосидаги жисмоний тарбия ва спорт бирлашмалари фаолиятининг тартибларига аниқликлар киритилиши талаб этиларди.

Шу боис бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ташаббус билан чиқди. Юртбошимиз имзолаган «Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисида»ги қарорда Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасига «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳасини тайёрлаш вазифаси юкланди. Тайёрланган лойиҳани кўриб чиқиб, Вазирлар Маҳкамаси ўтган йилнинг апрелида уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига тақдим этди.

Янги таҳрирдаги лойиҳа 34 моддадан иборат эди. Унинг бир қатор моддаларида жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги янгича ёндашувлар ўз ифодасини топди. Улар жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий қоидаларини, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан жисмоний тарбия ва спорт устидан давлат бошқаруви ваколатлиги идорасининг ваколатларини, халқаро ҳамкорлик ва баҳсларни ҳал этиш масалаларини қамраб олади.

Лойиҳа устида ишлаш жараёнида мазкур Қонун предмети ҳисобланмайдиган ёки мазмуни амалдаги бошқа қонунчилик ҳужжатларида ўз ифодасини топган моддалар амалдаги Қонундан чиқариб олинди. Булар – фуқароларнинг жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги вазифаларига доир учинчи, спорт-соғломлаштириш, спорт ва туристик аҳамиятга молик товарлар хусусидаги ўн учинчи, ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқ-тартибот идоралари шахсий таркибининг жисмоний тайёргарлиги ҳақидаги ўн саккизинчи моддалардир. Ҳозирги давр қонунчилиги меъёрларининг талаблари ҳисобга олинган ҳолда кўпгина моддаларга таҳририй тузатишлар киритилди.

Янги таҳрирдаги Қонун лойиҳаси пировард кўринишда 27 моддадан иборат.

— «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги қонун лойиҳаси матни устида ишлаш жараёнида Франция, АҚШ, Аргентина, Польша, Россия қонунчилиги, Қозоғистон, Қирғизистон ва МДҲ бошқа давлатларининг шу соҳага доир қонунчилик амалиёти ўрганиб чиқилди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари Сергей Зинин. — Шунингдек, Жисмоний тарбия ва спорт халқаро хартияси, Олимпия хартиясининг барча қоидалари ўрганилди. Буларнинг барчаси Олий Мажлисда муҳокама қилиш учун халқаро талабларга жавоб берадиган лойиҳани тайёрлаш имкониятини яратди.

Лойиҳани ишлаб чиқиш ва муҳокама қилишда Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, жисмоний тарбия институти, Олимпия қўмитаси, мудофаага ёрдам берувчи «Ватанпарвар» ташкилоти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти ходимлари иштирок этишди. Улар Қонун лойиҳаси моддаларининг мазмунини яхшилашга қаратилган бир қатор таклифлар киритишди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ва Халқ таълими вазирликлари ҳам лойиҳага доир ўз истакларини билдиришди. Улар ишчи гуруҳи ва Олий Мажлис Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси мажлисларида лойиҳани узил-кесил кўриб чиқиш чоғида ҳисобга олинди.

Янги таҳрирдаги лойиҳа манфаатдор идораларда экспертлар текширувидан ўтказилди. Олий Мажлис қўмиталари ҳам лойиҳани кўриб чиқиб, янги таҳрирдаги ўзгартишларга асосан ижобий баҳо беришди.

Шубҳа йўқки, «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрирда қабул қилиниши жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш борасидаги қонунчилик масалалари янада самарали ҳал этилиши учун имкон туғдиради, фуқароларнинг спорт-соғломлаштириш ишларидаги иштирокини кенгайтиради, уларнинг саломатликларини мустаҳкамлаб, соғлом турмуш тарзини шакллантиришга хизмат қилади. Унинг қабул қилиниши билан спортнинг миллий ва оммавий турларини ривожлантириш, барча спорт турлари бўйича малакали спортчиларни тарбиялашнинг қонунчилик асоси пайдо бўлади. Бинобарин, халқаро мусобақа ва турнирларда спортчиларимиз яна ҳам фаолроқ ва самарали иштирок этиб, она-Ватанимиз спорт шуҳратини етти иқлимга ёядилар, жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлиги янада ортади.

**Жўра САЪДУЛЛАЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ИШОНЧЛИ МОЛИЯВИЙ ТУЗИЛМА

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкида ўтказилган Осиё-Инвест банки акциядорларининг йиғилишида банк сармоясини икки миллион АҚШ долларига кўпайтиришга қарор қилинди. Бундай қарор қабул қилишга Осиё-Инвест банкининг Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги иқтисодий-савдо ҳамкорлигини ривожлантиришдаги роли ошаётганлиги асос бўлди.

Осиё-Инвест банки бошқаруви раиси И.Муртазоевнинг маърузасида ва акциядорларнинг чиқишларида 1999 йилда банкнинг Ўзбекистон-Россия савдо айланмасига хизмат кўрсатиш соҳаси ва кўлами кенгайганлиги, Россия банк тизимидаги мавқеи мустаҳкамлангани қайд этилди. Банкнинг кафолат ва кредитлашга доир операциялари ҳажми ошди. Ўзбекистон ва Россия ўртасида ягона банк маконининг яратилиши ҳисоб-китобларни тезлаштиришга, экспорт-импорт операцияларининг ишончлилигини оширишга хизмат қилмоқда.

Банкнинг жами айланма сармояси 9,2 бараварга кўпайиб, 10 миллиард сўмни ташкил этди. Активлар уч баравар кўпайиб, 466 миллион сўмдан ошиб кетди. Йил якунларига кўра, фойда 12,5 миллион сўмни ташкил этди.

Россиянинг "Компания" ишбилармонлар журнали эълон қилган маълумотларга кўра, Осиё-Инвест банки Россиянинг икки юзта энг йирик банклари рўйхатида 149-ўринни эгаллайди. Банк ишончлилик индекси бўйича 17-ўринга, ликвидлилик коэффициенти бўйича эса 7-ўринга чиққан.

Осиё-Инвест банки — биринчи Ўзбекистон-Россия банки бўлиб, 1996 йилда Москвада ташкил этилган эди. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, "Асака" банки, Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, Навоий тоғ-металлургия комбинати ва «Конверсбанк» (Россия) банкнинг акциядорлари ҳисобланади. Банкнинг ўтган йилги муваффақиятли фаолияти уни ташкил қилиш тўғрисида Ўзбекистон ва Россия ҳукуматлари ўртасидаги келишувлар доирасида қабул қилинган қарор тўғри бўлганлигини тасдиқлайди. У икки давлат ўртасида экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш учун ишончли молиявий тузилмага айланди.

**О. ЗАДУНАЙСКАЯ,**
**ЎзА мухбири.**

# АУДИТОРЛИК — ИЖОДИЙ ИШ

Бир қарашда аудиторлик хизмати маълум андозага солинган расмий фаолиятга ўхшайди: шартнома бўйича муайян бир субъектнинг ҳисоб-китоб ва хўжалик юритиш фаолияти таҳлил қилинади. Хулоса чиқарилади. Ва аудит ўз вазифаларини бажариш чоғида сир сақлаш қоидаларига риоя этади. Фақат ўзи зарур, деб билган ҳолларда текшириш натижаларини маълум қилиш учун жамоанинг умумий йиғилиши чақирилишини талаб қилиши мумкин. Аудит шу қоидадан чиқса ёки субъект раҳбари, ё ҳисобчининг назарида, таҳлилни чуқурлаштириб юборса, мижоз ўртадаги шартномани бекор қилиши, ўзининг табиатига мосроқ бошқа бир аудит билан ишлашга хоҳиш билдириши мумкин.

Бу йўналиш ёки усул, табиийки, таҳлилларнинг самарадорлигини пасайтиради. Ана шу маънода, Олий Мажлиснинг иккинчи сессияси кун тартибига «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳасининг киритилиши айни муддао бўлган, деб ўйлайман.

Менимча, аудит хизмати — ижодий иш. Аудит фақат ўзининг ёки мижознинг манфаатига ишламаслиги керак. Унинг хизмати умумманфаатларга хизмат қилмоғи лозим. Аудит, биринчи навбатда, ҳисоб-китоб юритиш бўйича ибратли тажрибаларнинг тарғиботчиси бўлишини истардим. Айтайлик, бир мулкдор ёки ҳиссадорлик жамияти маблағни тежаш, шериклар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш эвазига катта иқтисодий самарага эришаяпти. Аудит бу ҳақда бошқаларни ҳам хабардор қилса, бунинг нимаси ёмон?

Аудитор ўз вазифасини бажариш чоғида сир сақлаш қоидаларига риоя этиши керак, деган гап умуман тўғри. Лекин у текширилаётган субъектдаги айрим шахслар томонидан талон-торожликка, камомадга, қўшиб ёзишларга йўл қўйилганини аниқлаcа-ю, бу ҳақда фақат ўша субъект раҳбарини хабардор қилиб қўйса ва ўз навбатида раҳбар ҳам «ёпиғлиқ қозон — ёпиғлиқ» қабилида иш тутиб қўя қолса, бундай таҳлилдан на фойдаю на самара бўлади.

Янги таҳрирдаги лойиҳада бундай ҳолатларда аудитор ўз хулосаларини маъмурий ва матбуот органлари билан баҳам кўриши лозимлиги қайд этиб ўтилишини истардим.

Вилоятимизда 30 дан ошиқ аудит фирмалари мавжуд. Айрим фирмаларнинг бошлиқлари ўқитувчи ё бўлмаса зоотехник. Кўплаб аудиторларнинг маълумоти ўрта махсус. Ваҳоланки, амалдаги қонунларга кўра, аудиторлик фаолияти билан олий маълумотли ва бухгалтерия ҳисоби ҳамда унга турдош касбларда камида 5 йил тажриба тўплаган, аудиторлик дипломига эга бўлганлар шуғулланиши мумкин.

Агарда ҳар бир соҳа бўйича ихтисослашган (масалан, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, нефть, дон маҳсулотлари таъминоти) аудит фирмаларини ташкил этиш янги таҳрирдаги лойиҳада кўрсатиб ўтилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

**Саидқул ШАРИПОВ,**
**Сурхондарё вилоятидаги «Мустақиллик» аудиторлик шўъба корхонаси бошлиғи.**

*Эркинлаштириш — ҳаётий зарурат*

# МУЛККА МУНОСАБАТ ЎЗГАРМОҚДА

**— дейди Пайариқ туманидаги «Халқобод» ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Бахтиёр Эргашев**

Дарҳақиқат, уларнинг ерга, мулкка эгалик ҳисси ошди. Қоракўлчилик билан шуғулланаётган ўнта қўйчилик отарининг ҳаммаси оилавий пудратга ўтди. Бу ҳар бир чорвадорнинг даромади, оилавий фаровонлиги фақат меҳнатига яраша бўлади, деганидир. Ўртадаги шартнома хўжалик учун ҳам, чўпон учун ҳам қонун даражасида. Уни бажармасликка ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

«Халқобод»лик чорвадорлар бу йил қўзилатиш мавсумида мавжуд 1600 бош совлиқнинг ҳар юз бошидан юзтадан соғлом қўзи олдилар. Уларнинг 80 фоизи ўстиришга қолдирилди. Раҳматулла Улашев, Илҳом Шоқулов, Раҳматулла Деҳқонов каби тажрибали қўйчивонлар эришган марралар бундан-да юқори.

Хўжалик чўпонлари учун иш жойининг ўзида деярли ҳамма имкониятлар мавжуд. Асосийси, чўпон уйлари, қўра ва қўтонларнинг барчаси электрлаштирилган. Кийим-кечак, ем-ҳашак масаласида муаммо йўқ. Биргина ўтган йилнинг ўзида хўжаликда қўйлар сони 760 бошга кўпайганлиги, шу пайтга қадар зарар кўрилаётган соҳадан фойда олинганлиги боиси ҳам чўпонга яратилган шарт-шароитлар натижасидир.

— Илгари мулк давлатники эди, — дейди бошқарув раиси. — Шу боис эркин ишлаш қийин эди. Масалан, автогаражимизда 28 та автомашина бўлиб, уларни ёнилғи билан ҳам, эҳтиёт қисм билан ҳам тўлиқ таъминлашга қурбимиз етмасди. Бекор турган машинадан кимга фойда? Уларнинг бир нечтасини сотиб, пулига қўй олиб боқсак, дуруст эмасми? Аммо мулк давлатники, уни сотишга ҳаққимиз йўқ эди. Ширкатга ўтганимиздан кейин эса ҳаммаси ўзгарди. Энди илгаригидек оёқ-қўлимиз боғлиқ эмас. Бу билан мен бутун бошли мулкни сотиб, ундан қутулиш керак, демоқчи эмасман. Фақатгина бундай ишга киришишда етти ўлчаб, бир кесиш, шошма-шошарликка йўл қўймаслик, қайси соҳадан фойда олиш мумкинлигини, албатта, англаб етиш керак.

Бултур хўжалик ғаллакорлари давлатга ғалла топшириш режасини ошириб бажаришди. Лалми майдонларнинг ҳар гектаридан 5 центнердан ҳосил кўтарилиб, ялпи хирмон 3.200 тоннадан ортди. 2000 йилда эса бу кўрсаткичларнинг кескин ошиши кутилаяпти.

Одамларнинг ерга меҳри ошаётганлиги, хўжалик ва фермерлар ўртасидаги муносабатнинг яхшиланиб бораётганлиги, айниқса, ибратлидир. Хўжалик томонидан 80 га яқин фермерга 2.340 гектар ер ажратиб берилди. Фермерлар бу майдонларга тўлиқ ғалла экишди. Бундан ташқари, шартнома асосида 2000 гектар ер аҳолига томорқа сифатида берилди. Бу 1800 нафар аҳолининг иш билан таъминланишига имкон яратди. Қишлоқ аҳли махсар, зиғир, кунжут ва полиз экинларидан ҳам мўл ҳосил олишаяпти.

Энг эътиборлиси, дашт шароитида сабзавот, картошка етиштиришнинг йўлга қўйилганидир. Қудуқ суви ҳисобига ўтган йили иккита бригадада 56 тонна сабзавот тайёрланди. 10 гектар ерда деҳқончилик қилган Нурулла Мошанов оиласи 3 миллион сўмдан ортиқ даромад қилди. Табиийки, бу бошқаларни ҳам қизиқтириб қўйди.

Умуман, «Халқобод»да ибратли ишлар кўп. Ўтган йилни 7 миллион сўм фойда билан якунлаган меҳнат аҳли бу йил даромадни янада оширишига шубҳа йўқ. Одамлардаги ташаббускорлик,тадбиркорлик, меҳнатга муносабатнинг ўзгарганлиги буни тасдиқлаб турибди.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



# ХАРИДОРГИР МАҲСУЛОТЛАР



*Термиз шаҳридаги «Термизнон» ҳиссадорлик жамияти — вилоятдаги нуфузли корхоналардан бири. Айни пайтда мазкур корхонада кунига 12 тоннага яқин нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.*

*Кейинги йилларда корхона фаолияти янги босқичга кўтарилди. Яқинда бу ерда 464 минг АҚШ доллари сарфланиб, Италиянинг «ТЭКНАГРИ—ПРОЖЭКТ» фирмаси билан ҳамкорликда макарон ва печеньелар ишлаб чиқарадиган иккита янги цех ишга туширилди. Ҳозир уларда кунига қадоқланган ҳолда беш хил турдаги 1,5 тонна макарон ва 1,5 тонна печенье маҳсулотлари ишлаб чиқарилаяпти. Янги цехларнинг очилиши туфайли янги ишчи ўринлари яратилиб, жамоа аъзолари сони 85 нафарга етди.*



**СУРАТЛАРДА: «Термизнон» ҳиссадорлик жамиятида янги ишга туширилган макарон ишлаб чиқариш цехи қадоқловчиси Зулхумор Жўраева ва бош муҳандис Хурсанд Баротов; қадоқловчи Саёҳат Одинаева; макарон цехининг умумий кўриниши.**

**Искандар ХЎЖАЕВ (ЎзА) олган суратлар.**

# ДАСТЛАБКИ ҲОСИЛ ТАРОЗИДА



Наманган тумани хўжаликларида пилла терими бошланди. Қабул пунктига ҳосилни биринчи бўлиб «Зарбдор» ширкат хўжалиги аъзоси Мўътабар Умарова олиб келди. Бу пиллакор оила 22 грамм қурт уруғини парваришлаб, 133,5 килограммлик хирмон уйгани маълум бўлди. Топширилган хомашё сифати ҳаммани қувонтирди.

«Навбаҳор» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятининг пиллакори Рабохон Зайниддинова ҳам мавсумни биринчилардан бўлиб якунлади.

Туман «кумуш тола» ижодкорлари бу йил 5570 қути қурт уруғини парваришлашди. Мақсад 388 тонна сифатли хомашё етказиб бериш.

**Ўз мухбиримиз.**

*Қонун устуворлиги учун*

# ТАДБИРКОР МАНФААТИ —

**Ривожланган ҳар бир давлатнинг иқтисодиётига назар ташласак, ўзагини мулкдорлар синфи, хусусан, ўрта ва кичик бизнес ташкил қилишини кўрамиз. Демак, у халқ турмушини фаровон қилиш, иқтисодиётни ривожлантиришнинг асосий шарти ҳисобланади.**

**Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки пайтлардаёқ мулкни давлат тасарруфидан чиқариб, хусусийлаштиришга ва мамлакатда мулкдорлар синфини шакллантиришга алоҳида эътибор берила бошланди ва қатор ишлар амалга оширилди. Тегишли қонунлар қабул қилинди. Лекин гапнинг очиғини айтиш керакки, кўрилган чоралар ҳали ўз самарасини бергани йўқ.**

**Бунинг туб сабаблари Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси I сессиясидаги ва Вазирлар Маҳкамасининг йил якунларига бағишланган мажлисидаги маърузаларида чуқур таҳлил қилиниб, кенг очиб берилди. Жумладан, маърузада таъкидланганидек, «... бугунги кунда тадбиркорлик субъектларини қонунсизликдан ҳимоя қилиш фавқулодда муҳим вазифа бўлиб турибди».**

Шу боис суд органларидан мулкдорлар синфи, энг аввало, кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда ҳал қилувчи мавқени эгаллаш талаб этилади. Айтиш мумкинки, ушбу масалада сезиларли даражада ишлар олиб борилмоқда. Судлар тадбиркорлик фаолиятига дахлдор низоларни ҳал этишга, жиноят ишларини кўришга алоҳида масъулият билан ёндашмоқдалар. Аммо, бу борадаги суд амалиётини республикада амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар талаби даражасига тўлиқ жавоб беради, деб бўлмайди.

Президентимизнинг «Одамларда тадбиркорлик билан шуғулланиш иштиёқи сўнишига, аввало, маъмурий рэкет, текширувчи ва назорат қилувчи органларнинг таъмагирлиги, порахўрлиги, ишбилармонларни «устингдан жиноий иш қўзғатаман» деб қўрқитиши, зўравонлик қилиши асосий сабаб бўлмоқда. Аниқланган ҳар бир ғайриқонуний бундай хатти-ҳаракат фавқулодда ҳодиса сифатида баҳоланиши ва жиддий кўриб чиқилиши керак», деган ниҳоятда ҳаққоний фикрлари тадбиркорлик соҳасидаги одил судлов самарадорлигини белгилашда асосий мезон бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди яқинда қўшма пленум ўтказиб, «Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ қонунчиликни қўллаш суд амалиёти тўғрисида»ги масалани муҳокама этди ва тегишли қарор қабул қилди. Ушбу пленумга тайёргарлик кўриш жараёнида тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ қонунчиликни қўллаш борасида қатор камчиликлар борлиги аниқланди. Пленумда икки йил муқаддам «Иқтисодиёт соҳасидаги жиноий ишлар бўйича суд амалиётида юзага келган айрим масалалар тўғрисида» қарор қабул қилиниб, судларнинг, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва ҳуқуқни татбиқ этувчи органларнинг эътиборини иқтисодиёт соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи қонунларни бузиш жамият учун жиддий хавф туғдиришини, бозор муносабатларининг, қонуний тадбиркорлик фаолиятининг ривожланишига тўсқинлик қилинишини, эътиборга олиш ҳаётий зарурат эканлиги таъкидланган эди. Бироқ суд амалиётини ўрганиш мазкур пленум қарорида берилган муҳим ва долзарб тушунтиришлар ҳанузгача лозим даражада инобатга олинмаганлигини кўрсатди.

Қатор ҳолларда судлар қонунларга зид бўлган ҳамда тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини чеклайдиган идоравий меъёрий ҳужжатларни, низом ва кўрсатмаларни қонунчиликдан устун қўйиб, мансабдор шахсларнинг тадбиркорлар фаолиятига асоссиз аралашуви, кичик ва ўрта бизнес корхоналарини, деҳқон-фермер хўжаликларини ва якка тартибдаги тадбиркорларни рўйхатга олишни қонунсиз рад этиш, тадбиркорларнинг ариза ва шикоятларини ўз муддатида кўрмаслик каби ҳолатларга қонуний муносабат билдирмаяптилар. Хусусан, судлар кишиларда тадбиркорликка нисбатан ташаббус ва иштиёқнинг сўнишига сабабчи бўлган айбдор мансабдор шахсларнинг жиноий жавобгарлик масаласини муҳокама қилмаяптилар.

Муайян ишларни ўрганиш аслида маъмурий ҳуқуқбузарлик бўлган хатти-ҳаракатлар учун ҳам айрим судлар айблов ҳукми чиқараётганликларини кўрсатади. Жумладан, умумий мол-мулк негизида амалга оширилган оилавий тадбиркорликни, яъни, масалан, бозордан хомашё харид қилиш йўли билан миллий таомларни, ҳунармандчилик маҳсулотларини тайёрлаб сотган эр-хотиннинг хатти-ҳаракатларини бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, содир этилган савдо ёки воситачилик фаолияти билан қонунга хилоф равишда шуғулланиш, ёинки савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш жиноятлари сифатида Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 188-моддаси 2-қисми «в» банди ва 189-моддаси 2-қисми «б» банди билан тавсифланганлигини қандай тушуниш мумкин?! Ваҳоланки, «Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 14 ва 16-моддаларига мувофиқ, эр-хотиннинг умумий мол-мулки негизида амалга ошириладиган оилавий тадбиркорлик ҳам якка тартибдаги тадбиркорлик турига киради. Қолаверса, рўйхатдан ўтказилмай амалга оширилган бундай фаолиятни тадбиркорлик билан шуғулланиш тартибини бузиш сифатида баҳолаб, айбдор шахсга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 176-моддаси билан маъмурий жазо қўлланилгандан кейингина жиноий жавобгарликка асос бўлиши мумкинлигини англаб етмаган судьяни, у қонун устуворлигини таъминламоқда деб бўладими? Ёки эр-хотиннинг биргаликдаги фаолиятини жиноий тил бириктириш сифатида баҳолаш ва ҳатто, эр-хотин иш муомаласида вояга етмаган фарзандлари меҳнатидан ҳам фойдаланган бўлса, уларни вояга етмаган шахсни жиноятга жалб этганликда айблаш ҳам мутлақо нотўғридир.

Бугунги кунда биргина Тошкент шаҳар судининг ўзида юздан ортиқ жиноят иши юзасидан чиқарилган айблов ҳукмлари ана шундай асосларга кўра назорат тартибида бекор қилиниб, ишлар ҳаракатдан тугатилганлиги маълум. Албатта, балки мазкур шахсларни мутлақо айбсиз ҳисоблаб бўлмас. Лекин улар қонунни бузганликлари учун жиноий эмас, дастлаб маъмурий жавобгарликка тортилишлари лозимдир.

Жиноят кодексининг 41-моддасида қайд этилганидек, ижтимоий фойдали мақсадга эришиш учун касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ ҳолда асосли таваккалчилик қилиб, ҳуқуқлар ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларга зарар етказиш жиноят деб топилмайди. Қонунга мувофиқ тадбиркорлик ҳам таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида амалга ошириладиган ташаббускор фаолият бўлгани сабабли, жиноий жавобгарлик масаласини ҳал этишда тадбиркорнинг таваккалчилиги асосли ёки асоссиз қилинганлиги, ўзгалар ҳуқуқи ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларига зарар етказилган ёки етказилмаган ҳолатлари аниқланиши лозим бўлади.

Аммо суд амалиётида баъзан ўзганинг мулкини талон-тарож этиш, ҳокимият ёки мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиш сингари нотўғри айбловларни тавсифлаш, аслида фуқаровий тартибда ҳал этилиши лозим бўлган хўжалик низолари юзасидан ҳам асоссиз жавобгарликка тортиш ҳолатлари учраб турибди. Мисол учун, Самарқанд вилояти, Қўшработ туманидаги «Полвон» хусусий кичик корхонаси раҳбари Ярлақаб Худойбердиев вилоят «Бизнес-фонд» бошқармасидан олган мақсадли кредитни муддатида қайтармаганлиги учун, Жиноят кодексининг 205-моддаси 2-қисми «а,в» бандлари билан мол-мулки мусодара этилиб, 5 йилга озодликдан маҳрум қилинган, эҳтиёт чораси ўзгартирилиб, суд залида ҳибсга олинган. Кредит шартномасига кўра, «Бизнес-фонд» кредит маблағини кичик корхонага икки босқичда бериши лозим бўлган. Корхонанинг иқтисодий ночор аҳволга тушиб қолишига иккинчи босқичдаги кредит маблағининг шартномада белгиланган муддатдан бир йил кечиктириб берилгани сабаб бўлганига, жиноят иши қўзғатилганидан тўрт кун ўтиб, яъни

ЭЪТИРОФ

## ДЕҲЛИ ОЛҚИШЛАДИ, ФРАНКФУРТ ҚУТЛАМОҚДА

Санъат оламида тобора донг таратаётган «Фантазия» дастаси яқинда Ҳиндистон сафаридан қайтиб келди.

Фарғоналик санъаткорларнинг катта дастурдаги чиқишлари, айниқса, Деҳлидаги муҳташам саройда ўтказилган шоу-концерт томошабинларига маъқул бўлди. Ҳиндистонликлар ўзбек миллий фольклор қўшиқларидан тайёрланган дастурни, «Ўйна-ўйна», «Фаввора» композицияларини марок билан томоша қилиб, узоқ олқишлаб турдилар. Улар эътиборига бир кўринишли «Файер» балети, замонавий шоулар ҳам ҳавола этилди.

Дастанинг Жайпур, Агра шаҳарларида берган концертларида ҳам ҳаваскор санъаткорлар қайта-қайта саҳнага таклиф этилди. Улар осмонўпар тоғлар диёри — Непалда ҳам бўлишди. Пойтахт Катманду шаҳрида намойиш этилган дастурдан сўнг мамлакат маданият ишлари вазири жамоанинг ҳар бир аъзосига Непал мамлакати санъаткорларига бериладиган олий нишонни тақдим этди.

Айни кунларда жамоа Германиянинг Франкфурт шаҳрида ўтказилаётган анъанавий фольклор фестивалида қатнашмоқда.

Халқ дастаси бу нуфузли халқаро фестивалга ўтган йил ғолиби сифатида таклиф этилган. Бир йил аввал жамоанинг «Фарғонача тўй» композицияси олий мукофот — «Гран-при»га сазовор бўлган эди. Бу галги фестивалда эса «Ўзбекистон калейдоскопи» деб номланган миллий фольклор ўйинларидан тузилган дастур намойиш қилинаяпти.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

**Куни кеча Россия Давлат Думаси Президент Владимир Путин томонидан тайинланган 42 ёшли Михаил Касьяновни мамлакат Бош вазири лавозимига кўпчилик овоз билан тасдиқлади.**

* * *

**АҚШ Давлат котиби Мадлен Олбрайт НАТОга аъзо давлатлар ташқи ишлар вазирларининг 24-25 май кунлари Флоренцияда бўлиб ўтадиган учрашувида иштирок этади. Бу тадбирда альянснинг Босния ва Косоводаги амалга ошириши керак бўлган тадбирлари муҳокама қилинади.**

* * *

**НАТО ҳарбий қўмитаси раиси адмирал Гуидо Вентурионе 17-19 май кунлари Украинага уюштирадиган расмий ташрифи давомида мамлакатнинг ҳарбий техникани замонавийлаштириш ва таъмирлаш корхоналари билан танишади.**

* * *

**Камчатка ярим ороли марказида жойлашган Милково қишлоғидан йигирма километр узоқликда икки юз эллик гектар майдонни эгаллаган ёнғин ўчоғи қайд этилди. Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг Узоқ Шарқ минтақавий маркази берган хабарга кўра, оловнинг қамрови тобора кенгаймоқда.**

* * *

**Буэнос-Айрес атрофидаги ҳудудларда тинимсиз ёғаётган ёмғир оқибатида юз берган сув тошқинлари туфайли йигирма беш минг киши хавфсиз жойларга кўчирилди.**

* * *

**Тамил айирмачилари Шри-Ланка шимолидаги Жафна шаҳрини тўла ишғол этишни режалаштирмоқда. Шаҳар яқинида уч кундан буён давом этаётган тўқнашувлар натижасида ҳукумат қўшинлари Жафнанинг шимоли-шарқий қисмига чекинишга мажбур бўлди.**

* * *

**Руминиядан Тиса ва Самош дарёларига цианид моддаси тўкилиши ушбу ҳудудда жиддий экологик муаммоларни келтириб чиқармоқда. Ҳозир ҳар икки дарёдаги балиқлар ҳаёти хавф остида қолган. Ҳавзадаги ўсимликлар ва ҳайвонлар ҳам кимёвий модда таъсиридан нобуд бўлмоқда.**


ABN·AMRO Bank

Best Bank in Uzbekistan

CENTRAL EUROPEAN AWARDS 2000

Обрў-эътиборли "Euromoney" молия журналининг «Central European» нашри томонидан

**АБН АМРО Банк МБ Ўзбекистон А.Ж.**

2000 йилда

Ўзбекистоннинг энг яхши банки, деб номланди.

Қўшма банкимизнинг асосий таъсисчиси — АБН АМРО Банкдир. Бу универсал тижорат инвестиция банкининг тарихи ўтган аср бошидаги Голландия тарихига бориб тақалади. Бугун АБН АМРО Банк дунёнинг 76 мамлакатида ўз филиалларининг кенг тармоғига эга бўлган энг йирик халқаро молиявий конгломератлардан биридир.

*Биз:*

- Ўзбекистон молия бозорида энг яхши банк хизматларини;
- Банк хизматларининг кенг мажмуасини — пул кўчириш ва тижорат кредитидан тортиб, конвертация жараёнлари ва мижозлар эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган мураккаб таркибий молиялаштиришгача;
- Электрон банк иши ("Банк-мижоз тизими") ва пластик-кредит карточкалари каби маҳаллий бозор учун мутлақо янги бўлган банк хизматларини тақдим этамиз.

*СИЗНИ ЎЗ МИЖОЗЛАРИМИЗ САФИДА КЎРИШДАН ХУРСАНДМИЗ.*

ABN·AMRO The Network Bank

*Бизнинг манзил: Тошкент ш., Ҳ.Олимжон майдони, Ғарбий томон, Бизнес-комплекс, 4-йўлак.*
*Телефон: 120-61-41.*
*Факс: 120-63-67.*

2777


## ИШБИЛАРМОН ТАЛАБАЛАР



Бугунги кунда Тахиатош шаҳридаги иқтисодиёт ва тадбиркорлик коллежида 1800 нафарга яқин талаба таҳсил олмоқда. Уларнинг билим олишлари учун коллежда барча шарт-шароит мавжуд.

Бу ерда 54 ўқув хонаси мавжуд бўлиб, шундан 16 та хона техник ўқитиш ва назорат воситалари, 7 таси компьютер ва лингофон тизими билан жиҳозланган. Шунингдек, маиший хизмат кўрсатиш мажмуи ва врачлик пунктлари ҳам мунтазам фаолият кўрсатмоқда.

1999 йилда «Азатлық» («Озодлик») деҳқон-фермер хўжалиги ҳудудида коллежнинг ёрдамчи хўжалиги ташкил этилган эди. Бу эса талабаларни меҳнатга ўргатишда жуда қўл келмоқда. Жорий йилда улар 50 гектар майдонга чигит қадашди. Яна 16 гактар майдонда ғалла, беда, жўхори ҳамда полиз экинлари парвариш қилинмоқда.

Айни чоғда ёрдамчи хўжаликда 30 бош қорамол ва 30 бош қўй-қўзи мавжуд. Хуллас, ўқув даргоҳи талабалари бир вақтда ҳам билим, ҳам меҳнат сирларини ўрганишмоқда. Уларнинг режалари эса бисёр. Зеро, мақсадли инсоннинг келажаги порлоқ бўлади, дея бежиз айтилмаган.



**СУРАТЛАРДА: коллеж ҳузуридаги тикувчилик цехида иш қизғин; ёрдамчи хўжалик механизатори Қурол Жақабоев.**

**Омонбой МУРОТОВ**
**(ЎзА) олган суратлар.**

## ҲАМКОРЛИКДА ҲИКМАТ КЎП

Иқтисодий барқарорликни таъминлаш ҳамда экологик нохушликларнинг олдини олиш мамлакат ривожланишида муҳим ўрин тутади. Бу борада кўпчилик бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилса, натижа ёмон бўлмайди.

Самарқандда ўз ишини бошлаган "Ўзбекистоннинг мустаҳкам иқтисодий ва экологик ривожланиши соҳасида жамоатчилик ҳамкорлигини чуқурлаштириш" мавзуидаги семинар-кенгашда ана шу ҳақда гап борди.

Беш кун давом этадиган мазкур семинарда мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, божхона, банк ҳамда солиқ идораларининг вакиллари иштирок этмоқда.

**Уйғун РЎЗИЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

# ХАЛҚИМИЗ МАНФААТИ

1999 йил 6 апрелда Я. Худойбердиев кредитни устама фоизлари билан бирга 381.250 сўм қилиб тўлиқ қайтарганига, «Бизнес-фонд» томонидан ҳеч қандай талабнома ёки хўжалик судига даъво аризаси берилмаганига, Я. Худойбердиев кредитни бизнес-режага мувофиқ ишлатиб, бирон-бир тарздаги суиистеъмолликка йўл қўймаганига қарамасдан, суд 1999 йил 29 июлда айблов ҳукмини чиқарган. Самарқанд вилоят судининг раёсати ишни 2000 йил 2 мартда назорат тартибида кўриб, суднинг амнистия актларини қўллашда йўл қўйган хатосини тузатгунга қадар Я. Худойбердиев озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаган. Шундай ҳолатда Худойбердиевни ҳибсга олиш шартмиди?

Қонунсиз кредитлар бериш ва уларни ўз муддатида қайтармаганлик ҳақидаги ишлар бўйича ҳам ягона суд амалиёти мавжуд эмас.

«Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Қонун назорат қилувчи органларнинг хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига аралашмаслигини кафолатловчи зарур механизмларни ўзида ифодалайди. Хусусан, мазкур Қонун текширишларни ўтказиш асосларини, даврийлигини, муддатларини қатъий белгилаб берган. Қонунинг 9-моддасига мувофиқ, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан хўжалик юритувчи субъектлар молия-хўжалик фаолиятини текшириш учун фақат қўзғатилган жиноят ишининг мавжудлигигина асос бўлади. Агар назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятида қонунчилик бузилишини аниқласалар, улар ўзларига берилган ваколат доирасида ва фақат муайян камчиликни бартараф этиш билан бевосита боғлиқ бўлган чора-тадбирларнигина қўллашлари мумкин. Назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари қоидабузарлик мавжудлигидан тадбиркорлик субъектларининг бошқа қонуний фаолиятига аралашиш ёки уни чеклаш учун асос сифатида фойдаланишга ҳақли эмаслар. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш фақат назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика Кенгашининг қарори билангина ўтказилади.

Тадбиркорлар ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг бу қонуний кафолатларига алоҳида тўхталиб ўтаётганимиз бежиз эмас, албатта. Чунки бизда ўз низомларида тадбиркорларни қонунсизликдан ҳимоя қилишни бош мақсад қилиб белгилаган жамоат ташкилотлари бор. Шу ўринда ўринли савол туғилади: нега улар тадбиркорларга нисбатан содир этилган қонунсизликлар тўғрисида тегишли ваколатли идораларни вақтида огоҳ қилмаяптилар, бу уларнинг асосий вазифаларидан бири эмасми?! Муҳтарам Президентимизнинг жонкуярликлари туфайли тадбиркорлар ҳимояси масаласининг давлат даражасига кўтарилганига қадар нега улар қўл қовуштириб ўтирдилар?! Ахир, бунинг учун барча ташкилий-ҳуқуқий воситалар мавжуд-ку?! Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасига ва «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 1,3-моддаларига мувофиқ, давлат органлари, корхоналари, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиниши мумкин. Шунингдек, Жиноят-процессуал кодексининг 4-бобида ҳам жамоат бирлашмалари, жамоалар ва улар вакилларининг жиноят ишини юритишда иштирок этишларини кафолатловчи қоидалар мавжуд. Судлар эса бу борада қонун устуворлигини таъминлашга доимо тайёр деб комил ишонч билан айта оламан.

Шунингдек, тадбиркорларимизнинг эътиборини пленум қароридаги тадбиркорларга етказилган зарарни ундириш масаласида берилган тушунтиришларга қаратмоқчиман. Жумладан, қарорда тадбиркорда унинг фаолиятига қонунсиз аралашув оқибатида етказилган моддий зарарни, шу жумладан, бой берилган фойдани ҳамда маънавий зарарни ундириб олиш ҳуқуқи пайдо бўлиши ва уни талаб қилишга ҳақли эканлигига алоҳида эътибор берилган. Шу билан бирга, айбдорнинг жиноий ёки маъмурий жавобгарликка тортилгани уни зарарни тўлаш мажбуриятидан озод этмаслиги, маънавий зарар моддий зарарга боғлиқ бўлмаган ҳолда ундирилиши, маънавий зарарнинг миқдори ҳар бир муайян ҳолатда суд томонидан белгиланиши, тўланадиган зарарнинг миқдорини белгилашда суд ақлга мувофиқлиги ва одиллик тамойилларига қатъий риоя этиши лозимлиги кўрсатилади.

Албатта, ҳаётда сохта тадбиркорлар, тадбиркорлик ниқоби остида ўзгалар мулкини талон-тарож этишни мақсад қилиб қўйганлар, фирибгарлар, солиқ тўловлари ёки бошқа иқтисодий мажбуриятларини бажармаслик мақсадида ўзини банкротга учраган қилиб кўрсатувчилар, иқтисодий рақобатга тантиларча дош беролмагани учун ғирромлик қилиб, тадбиркорни обрўсизлантирмоқчи бўладиганлар, ва умуман, барча соҳаларда бўлгани каби, тадбиркорликда ҳам нопок ва қаллоб шахслар учраб туради. Шу боис нафақат тадбиркорларни қонунсизликдан ҳимоялаш, балки тадбиркорларнинг ўзлари томонидан қонун бузилиши ҳолатлари содир этилганда уларнинг жавобгарлик масаласини ҳам қонуний ҳал этиш бўйича зарур тушунтиришлар бериш зарур. Чунки адолат ҳар қандай ҳолда ҳам ҳеч кимнинг ҳақ-ҳуқуқи ва манфаатига зиён етказмаслиги лозим.

Эътибор қаратилиши лозим бўлган масалалардан яна бири — бу Олий суд томонидан кўрсатмалар берилганига қарамасдан, судлар ҳанузгача самарали эҳтиёт чораси ҳисобланувчи гаровнинг аҳамиятини қадрламаётганларидир. Шунингдек, етказилган зарарнинг қопланганлиги жавобгарликни енгиллаштирувчи алоҳида ҳолат эканлиги тўла инобатга олинмаяпти.

Суд ишларида қайд этилган айрим жузъий камчиликлар — бу одил судловнинг аҳволи ёмон дегани эмас, албатта. Кейинги пайтларда судлар томонидан амалга оширилган ишларнинг қай даражада самарали бўлганлигини рақамлар мисолида кўрсатиб ўтмоқчиман. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 30 апрелдаги «9 майни Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилиниши муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Фармонини ижро қилиш, Олий суд пленумининг 1999 йил 14 майдаги «Жиноий жазо чораларини қўллаш бўйича суд амалиётида юзага келган айрим масалалар ҳақида»ги қарори дастурий кўрсатмаларига оғишмай амал қилиш, Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августдаги «Ўзбекистон Республикаси айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунини амалиётга татбиқ этиш юзасидан ишлаб чиқилган тадбирларни амалга ошириш жараёнида 2000 йилнинг 1 апрел кунига қадар Олий суд ва қуйи судлар томонидан 8140 та шахс озодликдан маҳрум этиш жазосини ижро қилиш муассасаларидан озод этилди. Фақатгина Олий суд пленумининг 1999 йил 14 майдаги қарорини амалиётга татбиқ қилиш учун ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августдаги Қонунини Жиноят кодексининг 13-моддасига ва Жиноят-процессуал кодексининг тегишли моддасига асосан мувофиқлаштириш учун вилоят судлари ва Олий суд томонидан 4368 шахсга нисбатан жиноят ишлари ўрганилиб чиқилди. Натижада 3085 шахсга нисбатан чиқарилган ҳукмлар янги Қонун талабларига мувофиқлаштирилди, шундан 2968 та шахсга нисбатан суд томонидан тайинланган жазолар камайтирилди, 547 шахс қамоқ жойларидан озод қилинди.

Бундан ташқари, жазони ижро этиш жойларидан олинган ҳужжатларга асосан, 1655 та шахсга нисбатан тайинланган жазолар Жиноят кодексининг 74-моддасига мувофиқ, енгилроқ жазоларга алмаштирилди, 3013 шахс Жиноят кодексининг 73-моддасига биноан, жазони ўташдан муддатидан илгари озод қилинди.

Ҳозирги кунда Олий судга қуйи судлар томонидан кўрилган 2000 дан ортиқ жиноят ишлари ўрганиб чиқиш учун чақиртирилган ва улар бўйича қабул қилинган суд қарорларининг қонунийлиги назорат тартибида текширилмоқда.

Албатта, адолат йўлида эришилган ижобий натижалар, қилинаётган эзгу ва хайрли ишлар йўқ эмас. Аммо, модомики, суд ишида лоақал биргина хатолик мавжуд экан, хотиржамликка берилишга асло ҳаққимиз йўқ. Зеро, судьялик қасамёди, касбимиз масъулияти ва шарафи, бурчимиз муқаддаслиги ҳамда халқимизнинг бизга бўлган ишончи фақат одил йўл тутишимизни тақозо этади.

**У. МИНГБОЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раиси.**



Халқаро кўргазма

## XXI АСР БЎСАҒАСИДА — ТЕХНИКА ВА ТЕХНОЛОГИЯ

«Ўзэкспомарказ»нинг кўркам павильонларида очилган халқаро кўргазманинг асосий мавзуини ана шундай деб белгилаш мумкин. Кўргазмада, чиндан ҳам, бирдан халқ хўжалигининг бир неча етакчи тармоқларига тааллуқли энг замонавий техника ва технология намуналари намойиш этилмоқда.

Намойиш этилаётган маҳсулотлар ташриф этганларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Улар билан эса кўргазма павильонлари ҳар куни гавжум. Айниқса, бу ерда тадбиркорларни кўплаб учратасиз. Бу табиий, чунки мазкур кўргазмада келгусида самарали ҳамкорлик ўрнатиш, шериклик алоқаларини боғлаш учун катта имкониятлар мавжуд.

Кўргазмада қатнашаётган барча хорижий компаниялар ва фирмалар тўғрисида кичик бир мақола доирасида кенг қамровли фикр юритиш имконияти чекланган. Шу боисдан биз улардан биттаси ҳақида ҳикоя қилишни мақсадга мувофиқ деб билдик.

Кўргазманинг очилиши арафасида бўлиб ўтган матбуот конференциясида Швециянинг машҳур «Ericsson International AB» компаниясининг мамлакатимиздаги бош менежери жаноб Гюнтер Бегеманн журналистларни кўргазма стендларига қўйилган ўз компаниясининг маҳсулотлари ва техник ечимлари билан таништирди. Бу компанияни дунёда, шартли равишда, бежизга «Янги телекоммуникация олами» деб таърифлашмайди. «Ericsson International AB» компанияси — телекоммуникация соҳаси технологик жиҳозларининг янги авлодларини дунёга эҳсон этаётган халқаро тадбиркорлик ташкилотидир. Бу компаниянинг коммутацион жиҳозлари, GSM ва TDMA андозаларидаги тезкор алоқа тизимлари, умумий телефон алоқаси операторлари учун узатгичлари Ўзбекистонда ҳам кенг қўлланилмоқда. 1998 йилда Тошкентда ушбу компаниянинг ваколатхонаси очилди.

Сўнгги ўн йил ичида компаниянинг республикамизда 10 та қўшимча базавий станцияси қурилиб, ишга туширилди. Яна 15 та базавий станцияси Фарғона, Самарқанд, Бухоро ва бошқа вилоятларда «Халқаро Телеком» билан ҳамкорликда ишга туширилди. Улар республикамизда халқаро телефон алоқасини замонавий талаблар асосида такомиллаштиришга ҳисса бўлиб қўшилди.

Кўргазмада ушбу компаниянинг TDMA ва GSM андозаларидаги телекоммуникация жиҳозларининг такомиллашган янги намуналари, пакетли коммутация тармоқлари учун ўтказгичлар, тезкор телефонларнинг янги авлодлари намойиш қилинди. Улар кўргазма иштирокчиларида катта таассурот ва қизиқиш уйғотди.

Кўргазмада иштирок этган бошқа компанияларнинг техника маҳсулотлари ва технологик жиҳозлари учун ҳам энг бош мезон битта — улар ҳозирги илмий-амалий тафаккурнинг ноёб меваларидир.

**М. САФАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Кўҳна Шарқ аждодларнинг хотиротларига битилган қоидалари билан ҳам машҳур. «Табиатга озор етказма!», «Сувни булғама!», «Озодаликка ҳар доим риоя қил!» кўринишидаги содда ҳақиқатлар аждодлардан авлодларга эзгу васиятдай етиб келаяпти. Бироқ биз уларда мужассам топган ҳаёт-мамотимиз билан чуқур боғлиқ қонуниятларни гоҳида менсимаймиз. Бу афсусланарли.**

# «АВЕСТО» ЎГИТЛАРИ

*Барҳаёт қадриятларимиз*

«Авесто», айниқса,шу жиҳатдан ўлмас китобдир. Унда, масалан, тиббиёт ва табиатнинг узвий алоқадорлиги масаласи ғоятда донишмандлик билан ўртага қўйилган. Шу ўринда тиббиётнинг табиат билан ҳамоҳанглигини эслатмоқ жоиз. Негаки, инсон ўз танаси саломатлиги ҳақида қайғурар экан, атроф- муҳитга эътибор қаратишига, табиатга тўла бўйсунишга мажбур. Аслида, касаллик нима дегани? Касаллик инсон организмининг табиат билан мувозанати бузилишидан келиб чиққан нохуш ҳолатдир. Шу боисдан ҳам, «Авесто»даги табиат ва инсон муносабатига доир ўлмас ўгитлар ҳамон ўз кучида қолиб келаяпти.

Боболаримиз яратган муқаддас китобда тиббиёт фани ва амалиётининг бош вазифаси— инсон ўз танасини тоза тутиши, эҳтиёт қилиши зарурлиги масаласи жуда аниқ белгиланган. Бу масалалар «Авесто»да бундан деярли 3000 йил олдин айтилганлиги — аждодларимизнинг донишмандлигидан далолатдир.

Инсон саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш борасида ҳам «Авесто» ўгитлари орасида чириб, бузилган чиқиндилар ва ҳатто инсон мурдасидан сақланиш ҳақидаги фикрлар қизиқарли ва эътиборлидир. Ёки унда инсон чиқараётган нафаснинг таркибидаги зарарли хусусиятлар ҳақидаги фикр бор. Бу хулоса одамзот аниқ фанлар эришган ютуқлар — кислородни ютиб, нафас йўли орқали карбонад ангидрид чиқазишимиз, яъни нафасимизда карбонад ангидрид гази мавжудлиги аниқланишидан неча-неча минг йил муқаддам айтилгани ҳайратлидир.

«Авесто» да фуқаролар саломатлигини сақлашда мамлакат ободончилиги, озиқ-овқатнинг тўкин-сочинлиги, тоза сув, баҳаво уй-жойлар етарли бўлмоғи, ҳунармандчилик ва деҳқончиликнинг камол топиши муҳим омиллар эканлиги кўрсатилади. Ер, сув ва ҳавони ифлослантириш — қаттиқ гуноҳ деб, муқаддас китобда қайта-қайта эслатилади.

«Авесто» да фақат оқар сувларни истеъмол қилиш тавсия этилади. Албатта, «Авесто» даврида оқар сувнинг таркиби тозалигини унутмайлик. Оқар сувлар ҳаракатланиш жараёнида ўзини тозалаб туриш қобилиятига эга, деб ўргатилади. Унда бу табиат қонуни соддагина қилиб тушунтирилгани ҳам яна бир бор таҳсинга лойиқ ва айни кезда сув, ҳаво ва ерни ифлослантиришнинг гуноҳлиги тавсиявий кўринишда қолиб кетмайди. Яъни, «Авесто» ҳукми асосида ўз даврида бу тўрт унсурни ифлослантирган кимсаларга нисбатан оғир жазо ҳам белгиланган. Ана шу гуноҳни содир қилганлар, муқаддас китоб ўгитларига риоя этмаганларга 400 дарра уриш жазоси белгилаб қўйилган. Энг бақувват инсон ҳам бу жазо тадбирини охиригача кўтара олмаслигини ўйласак, табиатга нописандларча муносабатда бўлган кимса бошига тушган қисмат айни кезда ўлим жазоси билан тенглиги маълум бўлади.

Бировни урганлик учун жарима тўлаш, оталик ҳуқуқини паймол этгани учун моддий жазо белгилаш орқали инсонларга маънавий чора қўллашга асосланган кўҳна Рим қонунлари «Авесто» да келтирилмиш ана шу жазо чораси олдида ўзининг бор аҳамиятини йўқотади. Яъни, бу китоб таъбирича, ўткинчи дунёнинг майда ташвишлари, икир-чикирлари барча жонзотнинг ягона яратувчиси ва ҳимояси бўлган она-табиатга муносабат олдида оддий чўпчакка айланиб қолади.

Биз бу фикримиз билан узоқ аждодларимиз қадимги юнонлардан ақллироқ, фаҳмлироқ эди, деган фалсафани тасдиқлашдан мутлақо йироқмиз. Гап бировнинг бировдан бир баҳя устунлиги ҳақида кетмаяпти. Балки қачонлардир, кўпхудоликдан юз ўгириб, дунёда энг адолатли, энг инсонпарвар дин яратишни орзу қилган ва бунга маълум маънода эришган аждодларимиз танлаган йўлларнинг нисбатан тўғрилиги, нисбатан одиллигидадир. Яъни, сополдан, тошдан, биринждан, пўлат ва бошқа ўлик жисмлардан ясалган турли-туман худоларга сиғиниш қайда-ю, тирикликнинг асоси-уни бошқариб турган мутлақ, бор табиий қудратга сиғиниш қайда?! «Авесто»да қуёш худоси Митра ёвузлик ва эзгулик орасидаги курашнинг интиҳосида ҳакамлик вазифасини бажарадиган зотдир. Боболаримиз ҳар куни кўриб, ундан баҳра олиб турган қуёшга сиғиниш билан соддадилликларини эмас, балки олиймақом донишмандлик намунасини кўрсатишган. Қуёшнинг бош яратувчи омил эканлиги ҳақидаги содда фалсафада теран мазмун, бетакрор ўхшатиш, тенги йўқ ҳақиқат мавжуд. Чунки Қуёш – тириклик манбаи.

«Авесто»даги Қуёшга эътиқод, ўз навбатида, оловга эҳтиромни туғдирган. Олов, «Авесто» нақлига кўра, тозаловчи ҳодисадир.

Биз шу кунларимизгача айрим кўринишларни сақланиб қолган боболаримиз эътиқодининг қолдиқларини кўриб-кузатиб, тўғриси, мийиғимизда кулиб қўя қоламиз. Келин-куёвнинг оловдан ҳатлаши, мозорларда чироқ ёқиш, хаста бандаларни оловдан сакраш билан даволаш, бир қарашда, кулгили ва маъжусий ҳаракатлар бўлиб туюлади. Ана шу ота-боболар анъанасини давом қилдираётган қария эса, аслида, чироқ пилигида, гулхан тиғида табиатнинг яратувчи омилларидан бири — оловни, Қуёшни кўради, бутун борлиғи, онги билан уни ҳис этади...

Табиатга бундай эътиқод — инсоннинг унга уйғунлигини кучайтиради. Табиатни ночор аҳволга қўйиб, инсоннинг бахтли бўлиши мумкин эмас. «Авесто» бизга шуни сингдиради.

Инсоният тарихида яратилмиш турли динлар ва уларнинг маънавий раҳнамоси бўлмиш ёзма битиклар — муқаддас китоблар орасида «Авесто» алоҳида ажралиб туради. Ҳамма замонларда ҳам унда келтирилган ҳаёт ҳақиқатлари ўз қимматини йўқотмайди.

**Б. ДЎСЧОНОВ,**
**тиббиёт фанлари доктори, профессор.**

# ЁДГОРЛИКЛАР ҚАЙТА ТИКЛАНМОҚДА



*Кўҳна ва навқирон Шаҳрисабзда ўнлаб қадимий ёдгорликлар бор. Шаҳар ҳокимлиги бу ёдгорликларни келажак ворисларига асраб-авайлаб етказиш учун тинмай ғамхўрлик қилмоқда. Ана шу мақсадда ёдгорликлар таъмирланиб, уларга қайта жон ато этилмоқда. Шаҳарда Шайх Шамсиддин кулол мақбараси ҳам қадимий ёдгорликлардан биридир. Яқинда ушбу мақбарани Маданият ишлари вазирлигига қарашли «Мерос» ҳиссадорлик жамияти усталари таъмирлашди. Мақбара яна ўзининг асл ҳолига қайтди, салобати янада ошди.*

**СУРАТДА: усталар Байд ва Рустам Аҳмедовлар.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**



# ҒОЛИБЛАР ОЛИМПИАДАГА БОРАДИ

2000 йил шахматчилар учун ҳам Олимпиада йили бўлиб, ФИДЕга аъзо мамлакатларнинг терма жамоалари кузда ўзаро баҳс юритадилар. Терма командалар таркиби эса мамлакат чемпионатлари натижаларига боғлиқдир.

Куни кеча Марказий «Пахтакор» стадионидаги республика шахмат клубида Ўзбекистон 65-чемпионати олий лига турнири бошланди. Чемпионлик учун 12 шахматчи: 5 нафар халқаро гроссмейстер, 4 нафар халқаро мастер, 2 нафар миллий тоифадаги спорт устаси ва бир нафар спорт усталигига номзод ўзаро куч синашмоқда. Бу мусобақа нуфузи жиҳатдан Европа, Америка мамлакатларида ўтказилаётган халқаро турнирлардан асло қолишмайди. Шунинг учун ҳам бу йилги Ўзбекистон чемпионатида 11 имкониятдан 8 очко жамғарган шахматчи гроссмейстерлик, 5,5 очко олган иштирокчи эса халқаро мастерлик талабларини бажарган ҳисобланади.

Мусобақанинг дастлабки куниёқ иштирокчилар муросасиз «жанг»га шай эканликларини намойиш қилдилар. Чунончи, чемпионатнинг энг ёш, аммо рейтинг даражасига кўра, пешқадам иштирокчиси Рустам Қосимжонов билан яқиндагина гроссмейстерлик учун биттагина балл олишга муваффақ бўлган самарқандлик халқаро мастер Марат Жумаев ўртасидаги учрашув дуранг билан якунланганлиги ҳам кескинликдан далолатдир. Шунингдек, Ф. Сатторов — Д. Қаюмов, С. Умаров — Ш. Сафин партиялари ҳам дуранг натижа берди. Халқаро гроссмейстер С. Загребелний А. Алибоевни, В. Егин эса С. Йўлдошевни мағлуб этди. Низомга кўра, ғолиблар терма жамоамиз сафида жаҳон шахмат олимпиадасида дона сурадилар.



*Бу вазиятда оқлар бошлаб, тўрт юришда мот қилади.*

**Мамажон МУҲИДДИНОВ.**

## СПОРТ

# НАМАНГАНЛИКЛАР БИРИНЧИ

Ўзбек курашининг мавқеи тобора ошиб бормоқда, шуғулланувчилар сафи ёшу қари ҳисобига муттасил кенгаётир. Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази тизимидаги ўқув юртлари талабаларининг Наманганда бўлиб ўтган фарғонача кураш бўйича республика биринчилиги ўйинлари ҳам бунинг исботидир. Шаҳардаги саноат коллежида ташкил этилган ушбу мусобақаларга мамлакатимизнинг саккиз вилоятидан 88 нафар полвон ташриф буюрди. Улар 11 вазн тоифасида беллашдилар.

Умумжамоа ҳисобида наманганликлар биринчи ўринни эгаллашди. Иккинчи ва учинчи ўрин Андижон ҳамда Фарғонадан келган йигитларга насиб этди.

Ўз вазн тоифасида ғолиблик қилган мезбонлар орасида Тўрақўрғон механика-иқтисодиёт коллежининг Ш. Мирзаев, З. Аҳмедов, Р. Абдуллаев, З. Аббосов каби талабалари бор.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# САНЪАТКОРЛАР ҲИММАТИ




Фарғона вилоят маданият ишлари бошқармасининг ташаббуси билан фиқҳ илмининг султони Бурҳониддин Марғиноний таваллудининг 910 йиллигига бағишланган хайрия концерти ўтказилди. Унда эл севган санъаткорлар, хонанда ва раққосалар, бадиий сўз усталари қизиқарли концерт дастурларини томошабинлар ҳукмига ҳавола этди. Тадбирдан тушган маблағнинг асосий қисми буюк аллома илмий меросини ўрганиш ва тарғиб қилишга, Риштон ва Марғилон шаҳрида кенг кўламда амалга оширилаётган ободонлаштириш ишларига сарфланади.

**(ЎзА).**

# САЙЁҲ ЮРТ КЕЗАДИ

Қирғизистон Республикаси Жалолобод вилояти Алишер Навоий номидаги ўзбек миллий маданият маркази вице-президенти, шоир ва журналист Зиёҳиддин Мамажонов от-аравада Париж сари йўл олди. Унга ўғли Зилолиддин ва чавандоз Асқаржон Сотболдиев ҳамроҳлик қилмоқда. Қирғизистон ва Ўзбекистон байроқлари ҳилпираб турган бежирим от-аравада йўлга чиққан сайёҳлар илк сафарини Фарғонадан бошлади.

– Ўрта Осиё мамлакатларидан кейин Россия ва Белоруссияга ўтамиз, - дейди З.Мамажонов. - Бу юртларда машъум қатағон ва уруш йилларида халок бўлган ватандошларимиз дафн қилинган жойларда, Польша ва Германияда бўламиз. Ниятимиз — Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 9 йиллик байрамини Франция пойтахти Парижда нишонлаш.

**Р. КАМОЛОВ,**
**ЎзА мухбири.**


# ЎЗБЕКИСТОН ОЧИҚ ЖАМИЯТ ИНСТИТУТИ «КЎМАК» ЖАМҒАРМАСИ

**Залцбург тиббиёт семинарларида қатнашиш учун танлов эълон қилади**

*Семинарлар Залцбург шаҳрида, Австрияда қуйидаги мутахассисликлар бўйича олиб борилади:*

| | |
|---|---|
| Отоларингология | 23 - 29 июл 2000 йил |
| Травматология | 23 - 29 июл 2000 йил |
| Юқумли касалликлар | 20 - 26 август 2000 йил |
| Визуализация | 27 августдан 2 сентябргача, 2000 йил |
| Акушерлик ва гинекология | 27 августдан 2 сентябргача, 2000 йил |
| Анестезиология | 1 - 8 октябр 2000 йил |
| Урология | 1 - 8 октябр 2000 йил |
| Неврология | 28 октябрдан 3 ноябргача, 2000 йил |
| Психиатрия | 28 октябрдан 3 ноябргача, 2000 йил |
| Оила тиббиёти | 10 - 16 декабр 2000 йил |

Танлов ғолиблари Австро-Америка жамғармаси томонидан уюштирилган лекция ва клиник машғулотларда қатнашадилар.

Номзодлар 30-40 ёшларда бўлиши, инглиз тилини мукаммал билиши ҳамда ўрганган билимларини ҳамкасблари билан ўртоқлашишга тайёр бўлишлари лозим.

Залцбург семинарларида қатнашиш харажатлари Ўзбекистон очиқ жамият институти «Кўмак» жамғармаси томонидан (ЎОЖИКЖ) қопланади.

Қўшимча ахборот ва семинарда қатнашиш учун махсус ариза нусхасини ЎОЖИКЖ дан олиш мумкин. Шунингдек, ариза нусхасини электрон почта орқали ҳам олиш мумкин (iskandar@osi.freenet.uz).

**Аризаларни қабул қилишнинг охирги куни – 22 май 2000 йил соат 18:00 гача.**
**Инглиз тили бўйича синов 24 май 10:00 дан 12:00 гача ва 14.00 дан 17.00 гача ЎОЖИКЖ да ўтказилади.**
**Манзилгоҳ: «Зарбоғ» кўчаси, 31 (мўлжал-"Россия" меҳмонхонасининг орқасидаги ҳудуд), 700031, Тошкент . Тел/Факс: 120-68-54, 152-27-41, 152-36-98, 152-39-15, 152-39-16, 152-39-98, 152-39-33.**



**"ДАРИТАЛ" Ўзбек-Италия қўшма корхонаси**

DARITAL

*Италия технологияси бўйича Европа сифат даражасидаги таркибий материаллардан*

**ЭРКАКЛАРНИНГ ЗАМОНАВИЙ ЧАРМ ПОЙАБЗАЛИНИ**

*ишлаб чиқаради ва сотади.*

**Сотув - улгуржи ва чакана нархларда, бозордагидан арзон.**



***Италия коллекциясининг 1999-2000 йиллардаги модели.***

Телефонлар:
**УРГАНЧДА (8-362) 223-39-91.**
Факслар: **229-21-78, 299-10-27.**
**ТОШКЕНТДА 45-39-67.**
Манзил: Тошкент ш., «Олмазор» кўчаси, 169-«А»
*(собиқ газламалар дўкони).*
2834



***С. Қ. Исломбеков номли «Ўзкимёфарм» ОҲЖ маҳсулотлари кенг ассортименти.***

**ИСТАЛГАН МИҚДОРДА ЕТКАЗИБ БЕРИЛАДИ.**

*Дори-дармон воситаларини сотиш билан шуғулланувчи жисмоний ва юридик шахслар эътиборига!*

# «ЎЗКИМЁФАРМ» ОҲЖ

**Тошкент шаҳар ва бошқа вилоятлар омборлари орқали энг зарур тиббиёт воситалари рўйхатидаги дори-дармонларни таклиф этади, шунингдек, бошқа дори препаратларини етказиб беради.**

**Тўлов шакли — «Ўзкимёфарм» ОҲЖ ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан.**

***Нархлар келишувга биноан пасайтирилиши мумкин.***



***Дори воситаларини сотиб олиш масаласи бўйича батафсил ахборотни қуйидаги телефон орқали олиш мумкин: (99 871) 56-71-68.***
***Факс: 56-71-67; 56-60-59.***
***Манзил: Тошкент ш., Т. Шевченко кўч, 23 (мўлжал — Шимолий вокзал атрофида).***
2804


Ўзбекистон Республикаси Президенти девони жамоаси Қонунчилик ва суд ҳокимияти органлари билан алоқалар бўйича экспертлар гуруҳининг раҳбари Назаров Йўлдош Аҳмедовичга укаси **НАЗАРОВ Акрам Аҳмедовичнинг** бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси жамоаси Фарғона вилояти бош архитектори Анвар Назарович Шокировга онаси **ҲОЖАЛОЙ аянинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

М.Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институти раҳбарияти ва жамоаси «Мусиқали театр санъати» кафедрасининг катта ўқитувчиси Рамзиддин Қодировга падари бузруквори **Туроб ҚОДИРОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.




# «ЧЕМПИОН» ҚУЙМОҚ

Британиянинг Челтнам шаҳрилик ошпаз Дерри Линч ўз ошхонасига одамлар келишини кўпайтириш мақсадида улкан қуймоқ пиширди. Унинг диаметри 7,8 метр, яъни аввалги «чемпион»дан 1,5 метр каттадир. У ўзининг бу ноёб маҳсулотини пишириш учун 5274 та тухум, 232 кило буғдой ва маккажўхори уни, 420 литр сут ва 64 кило ёғ ишлатган.



# АЙБДОР... СУВСАР ЭКАН

Мюнхеннинг кичик кўчаларидан бирида тўхтаб турган спорт машинаси мотори бирдан ўт олди ва ўз-ўзидан юриб кетди. У йўл четида турган икки машинага ҳам ҳар қалай шикаст етказди. Шунингдек, темир панжарани бузиб ўтиб, қўшни ҳовлидаги деворга бориб урилди ва тўхтаб қолди.

Кейин маълум бўлишича, машина «ўғриси» сувсар экан. У моторга уланган ток узатгичларни тиши билан қиртишлаган. Натижада токнинг қисқача туташуви содир бўлиб, автомобил юриб кетган.



# ТИНИБ-ТИНЧИМАС МЮТТЕР

Клеменс Мюттернинг номи икки марта Гиннеснинг «Рекордлар китоби»дан ўрин олган. Кельн шаҳрида яшовчи ул зот биринчи марта 102 соату 30 дақиқа дам олмасдан арғимчоқда учгани учун бўлса, иккинчи марта 7 соату 58 дақиқада 1622 жуфт оёқ кийимини мойлаганлиги учун унинг исми қайд этилган. Тиниб-тинчимас Мюттер учинчи маротаба ҳам рекорд ўрнатмоқчи, лекин спортнинг қайси тури бўйичалигини сир сақламоқда.


**«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»**

**МУАССИСЛАР:**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

**Бош муҳаррир:**
**Аббосхон УСМОНОВ**

**Таҳрир ҳайъати:**
**Э. БОЛИЕВ** (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
**М. ЕГОРОВ** (масъул котиб — «Народное слово»),
**Ш. ЖАББОРОВ** (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
**С. ЗИНИН,**
**М. МИРАЛИМОВ,**
**С. МУҲИДДИНОВ,**
**Ш. РИЗАЕВ,**
**М. САФАРОВ,**
**Р. ФАРҲОДИЙ,**
**И. ХУДОЁРОВ,**
**И. ШОҒУЛОМОВ,**
**О. ҚАИПБЕРГЕНОВ** (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
**Ў. ҲОШИМОВ.**

**БЎЛИМЛАР:**
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34;*
*Ҳуқуқ — 136-07-94;*
*Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65*
*Маънавият ва маърифат — 136-35-60;*
*Хатлар — 136-29-89, 133-07-48;*
*Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08;*
*Ахборот, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик — 132-11-15;*
*Халқаро ҳаёт — 132-11-15;*
*Котибият — 133-10-28;*
*Эълонлар — 136-09-25.*

**Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001**
Буюртма Г — 376, 22228 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II ммх компьютерида терилди ҳамда операторлар С. ЛУКИН ва Ж. ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — **А. ОРИПОВ.**
Навбатчи муҳаррир — **И. ЎТБОСАРОВ.**
Навбатчи — **Б. ОСТОНАҚУЛОВ.**
Мусаҳҳиҳ — **А. САТТОРОВ.**

**МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.**

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.**

*Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди — 22.50*
1 2 3 4 5 6